

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

МАЪНАВИЯТ - ЮКСАКЛИК ТИМСОЛИ

(мақолалар тўплами)



меъёрлари, меҳнатсеварлик хислатлари мужассамлашган ҳамда эзгуликни намоён этувчи ботиний туйғулар мажмуидир.

Чунки маънавият инсонни камолотга етказувчи энг ноёб сифатлар ва фазилатлар бўлиб, ана шу фазилатлар шаклланган баркамол инсон жамият тақдирида муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур олимлар инсон маънавиятининг моҳияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий-амалий, мафкуравий фазилатларнинг яхлит тизими эканлигини ҳам чуқур таҳлил қилиб берганлар. Ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига хурмат, табиатни муҳофаза этиш, ҳар қандай шароитда она-юрт маънавиятини, давлатимиз мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, шарқона урф-одатларимизга, конунларимизга, миллий қадриятларимизга хурмат билан қараш каби хислатларнинг ҳаммаси маънавият билан боғлиқдир.

Дарҳақиқат, бугунги мустақил Ўзбекистонда маънавият ва маърифат масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан мустаҳкам ўрин олмоқда. Мустақил Ўзбекистонда маънавиятга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг кун сайин ўсиб боришининг асосий сабаби келажак буюк давлатнинг баркамол инсонларини вояга етказиш, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдир. Албатта, уларнинг негизида ахлоқий идрок муҳим ўрин тутди. Чунки, ахлоқийлик инсоннинг доимий изланишида намоён бўлиб, фикри-зикри, хулқ-атворидаги камчиликларни бартараф этишда такомиллашиб боради. У инсоннинг кундалик ахлоқий ҳолати билан келажакдаги етуқлик, эҳтиёжларини бир-бирига боғловчи занжирдир. Инсон ҳаёти оқимининг моҳияти шундаки, у доимо мураккаблашиб боради. Бу эса инсондан доимо ахлоқий тасавурларини ривожлантиришни тақозо қилади. Ахлоқ масалалари ниҳоятда муҳим ва кўп қирралидир. Инсон фаолиятининг ахлоқ, қоида, меъёр, талаблардан бутунлай холи бўлган соҳасини топиш қийин. Шунинг учун ахлоқий меъёрлар жуда қадимий бўлиб, халқнинг ўзи билан бирга ривожланиб, бойиб боради.

Шунга кўра, шахс маънавиятини ривожлантиришда ҳам, баркамол инсонни вояга етказишда ҳам уларни маънавиятини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, маънавияти шаклланган, ривожланган шахс халқимизнинг маданиятини юксалтиришда, миллий онгини уйғотишда, мамлакат равнақига ўз хиссасини қўшиб, миллат ва Она - Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни англайди. Яъни, маънавият шахсдаги бунёдкорлик ғояларининг юқори даражада бўлишини таъминлайдиган ва етуқликка, комилликка етаклайдиган, аниқ мақсадни ўзида мужассам этган жараён дир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 219 бет.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.-176 б.
3. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси Тошкент: Ўзбекистон, 1996. - 396 бет.
4. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Иккинчи нашри.-Т.: Шарқ, 2000.-320 б.
5. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Тошкент: Университет, 1998. - 184 бет.

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА БОБО ВА БУВИЛАРНИНГ ЎРНИ

Г.Н.Нажмиддинова –БухДУ, п.ф.н., доцент.

Н.А.Раҳимова – БухДУ талабаси.

Одам боласи дунёга шунчаки эмас, балки ҳазрат Навоий айтганларидек, комилликка етишиш, ўз атрофидаги одамлар таъсирида камолот пиллапояларини забт этиш учун келади. Маънан бой, жиҳмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб боргани сари унинг оиласи, манзил-макони гўзаллашиб, ҳаёти файзли бўлади. Ватан меҳри эса ҳамиша унга куч-қувват бағишлайди.

Ёшлар – юртимиз келажакининг пойдевори. Шундай экан, уларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга муҳаббат, ота-онага хурмат руҳида тарбиялаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир.

Маълумки, болалар тарбияси ҳақида гап кетганда, табиий равишда асосий масъулиятни ота-оналар зиммасига юклаймиз. Аммо бола шахсининг баркамол ва юксак маънавиятли бўлиб шаклланишида бобо ва бувиларнинг ўрни ҳам жуда муҳим эканлигини баъзан унутиб қўямиз. Бобо ва бувиларимиз, биз билан бирга яшаш ёки яшамасликларидан қатъий назар, уларнинг болалар тарбиясига таъсири ниҳоятда бекиёсдир. Энг аввало ота-она ишда бўлган пайтда оилада, ёш болаларга бош бўлиб туриш, улар касал бўлиб қолганда ғамхўрлик қилишдан бирорта ҳам буви ёки бобо бош тортмайди, айниқса, болажон бўлган ўзбек оилаларида бобо ва бувиларнинг мавқеи жуда баланд. Улар ўзларининг беминнат кўмаклари билан ота-оналарни ортиқча асабийлашиш ва ташвишлардан асрашади.

Ҳозирги пайтда ота-оналари узоқ шаҳарларга ишга кетган ёки эртадан кечгача ишлайдиган болаларга ғамхўрлик қилиш, уларга тарбия бериш асосан, бобо ва бувиларнинг зиммасига тушади. Бизнинг ота-оналаримиз болаларимизга қандай таъсир кўрсатишади?

Кўпгина ёш ота-оналар бобо-бувилар боларни тўғри тарбиялай олмайдилар, улар болаларга ҳаддан зиёд эркинлик яратиб берадиган, бу эса бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблашади. Фикримизча, бу-стереотип қараш ҳақиқий воқеликдан анча фарқ қилади. Ахир халқ орасида қачон неваралик бўлсангиз, ўшанда ҳақиқий ота-она бўласиз, деган гап бекорга айтилмаган. Қарияларга хос донишмандлик, йиллар давомида тўпланган катта ҳаётий тажриба бобо-бувиларга болани табнотан қандай бўлса, шундай қабул қилиш имконини беради, ёш ота-оналар сингари ўғил ёки қиз қандай бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қарашларини ўз болалари орқали амалга оширишга ҳаракат қилмайдилар. Кўпинча, айнан бобо ва бувилар болаларда ўзига ишонч, ҳаётни қандай бўлса, шундай қабул қила олиш кўникмаларини шакллантирадилар.

Аммо бола тарбиясида ўз фарзандларига кўмаклашиш билан невараларни мустақил равишда тарбиялаш масъулиятини ўз бўйнига олиш ўртасида катта фарқ бор. Хўш, ота-она қаровисиз қолган бола ва унинг тарбияси масъулиятини ўз бўйнига олган бобо ва буви психологиясида қандай ўзгаришлар рўй беради?

Бунда бола томонидан бобо ва буви ота-онадек қабул қилинади. Унинг учун ота-она ўрнини эгаллаганларнинг ёшини аниқлаш қийин бўлади ва бобо-бувилар боланинг ўз ота-онасига нисбатан ғамхўрроқ бўлишади. Боланинг муносабати ва характери бобо ва бувиларнинг ота-она ўрнини босишга қанчалик тайёр эканликларига қараб шаклланади. Ҳаммаси бобо-бувиларга боғлиқ бўлади. Агар болани катта масъулият деб қабул қилишса, бу бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масъулият оддий ота-оналарникидек бўлиши лозим. Ҳар биримиз ўз болаларимиз тақдири учун жавобгармиз, аммо шу билан бирга ўз шахсий ҳаётимиз ва қизиқишларимизни ҳам унутмаслигимиз керак. Иккинчи ота-оналар (яъни бобо-бувилар) ҳам ўзларини худди шундай тутишлари лозим: қатъий назорат остига олиб, болани одам қилишга интилиш эмас, балки, меҳр, ғамхўрлик ҳамда болага шунчаки яшаш учун имконият яратиш лозим.

Ўқитувчилар ўз фаолиятлари давомида фақат ота-оналар билан эмас, балки бобо ва бувилар билан ҳам ишлашларига тўғри келади. Албатта, бола тарбиясига муносабат уларнинг ҳар қайсисида ҳар хил.

Шартли равишда бобо ва бувиларни беш типга ажратиш мумкин:

“Хукмдор” – бу шундай обрўли кишики, муҳокама қилмасдан бажаришни талаб қилади: мен айтганимдай бажар, чунки мен яхшироқ биладан қабилида. Кўпгина ота-оналар бундай бобо ва бувилар билан муносабатда бўлишни хошлашмайди, чунки бундай “амр-фармонлар”гиде чидаш бироз қийин бўлади. Хукмронлик болаларда ҳаддан ташқари бўйсунувчанлик ва тобелликни шакллантиради.

“Компьютер” – бу мунтазам равишда насихат қиладиган ва боланинг ҳар бир ишини баҳо бериб борадиган бобо ва буви. Бундай киши билан, айниқса, бола учун муносабат қили жуда қийин бўлади. Бундай типдаги буви ёки бобо ўзининг асосий вазифаси – муросал бўлишга ўргатиш ўрнига болага психик босим ўтказиши, уни зўриқтириб қўяди.

“Жабрдийда” – бу алтруист бўлиб, унинг учун ўз яқинларига хизмат қилиш ҳамма нарсадан муҳим саналади.⁸ “Менга эътибор берманглар, асосийси, сизлар тинч бўлсаларингиз бас”, - дейишади кўпинча, бундай бобо ва бувилар. Бундай бобо ва бувиларнинг ўз невалари билан муносабатлари ҳам шунга мос бўлади. Улар ўз невараларига ҳамма нарсани мумкин қилиб қўйишади, натижада талтайиб кетган болалар шаклланади.

“Ўртоқ” – бундай бобо ва бувилар невараларининг ўйин ва шўхликларига индамай турадилар, ҳеч қандай масъулият ҳис этмайдилар. Агар ота-оналар уларни “уйни бошига кўтарган болалар”га қарамаганликда айблашса, улар: “Мен ҳеч нарса қила олмадим, асли болаларингиз шунақа қулоқсиз”, - деб жавоб қайтаришади. Тез орада болаларнинг шўхликлари “ўртоқ”ларнинг жонига тегади, аммо улар болалар учун бошқа эрмак топиб бера олмайдилар.

“Раҳбар ва йўлбошчи” – ақлли ва донишманд киши сифатида сув остида қандай тошлар борлигини яхши билади, шунинг учун ҳам болани хотиржамлик билан ҳаёт йўли сари етаклайди. Аммо агар бола ниманидир мустақил бажаришга интилаётганлигини сезса, ўзини четга олади ва болага ўзини намоеън этиш учун имкон беради. Бундай бобо ва бувилар тарбия методларини ўзаро мос танлайдилар ва қўллай оладилар ҳамда бола билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштира оладилар. Бошқача қилиб айтганда, бундай бобо-бувилар жуда эгилувчан ва мослашувчан бўлишади. Бу эса невалар учун ҳам турли ҳаётий вазиятларда йўл топа олишга ўрганиш имконини беради.

Эҳтимол, кўпгина ота-оналарда шундай савол туғилган бўлиши мумкин: “Кекса ота-оналарга болар тарбиясини ишониб топшириш мумкинми, улар бола тарбиясини бузиб қўймайдиларми?”

Фикримизча, оталар ва болалар муаммоси йўқ, балки оилада ўзаро муомала маданияти, бир-бирини тушунишни истамаслик муаммоси мавжуд. Гап бобо ва бувилар бола тарбиясини бузиши мумкин деган фикрнинг мавжудлигида эмас, балки бир-бирини эшита олиш, қабул қила олишга ҳафсала қилишда. Бобо ва бувилар учун – бу фарзандлари ва неваралари орқали ўз ниятларини амалга ошириш эмас, балки уларни қабул қила олиш. Ота-оналар учун эса – бу ўз ота-оналарига, қариликка нисбатан мурувватли, бағрикенг бўлиш. Шунинг учун ҳам бобо-бувиларнинг бола тарбиясида иштироки масаласи энг аввало кексалик психологияси – унинг қанақа қариши ва ички оламининг қай даражада ўзгариши билан боғлиқ.

Бу борада энг кўп учрайдиган қуйидаги уч ҳолатни кўриб чиқамиз:

1. **Буви ўзи билан оввора бўлиб, неваралари тарбиясида иштирок этмайди.** Қачон фарзандлари неварасига бир соатгина қараб туришни илтимос қилишса, бувининг зарур иши чиқиб қолади. Балки бундай бувига ҳам бир вақтлар бобо-бувилар бола тарбиясида кўмаклашмагандирлар. Шу сабабли ҳам у ўз фарзандларига айнан шундай жавоб қайтараётгандир. Аммо унутмаслик керакки, оила шажарасида бундай ҳолат доимий ва барча авлодлар учун қонун бўлмаслиги керак. Ота-оналар бобо ёки бувига у киши улар учун керак эканлигини ва улар оиланинг ажралмас қисми эканликларини қанчалик етказа олишса, бувиларда ҳам уларга кўмаклашиш истаги пайдо бўлиши шунчалик осон кечади. Улар невалар навбатдаги жанжал учун баҳона эмас, балки чексиз қувонч манбаи эканликларини тушуниб етадилар.

2. **Бобо ва буви – зулмкор.** Баъзи оилаларда болалар бобо-бувилардан “ҳимоялаб” қўйилади, чунки улар бир пайтлар ўз ота-оталаридан кўп зулм кўрганлар. Улар қаттиққўл буви ёки зулмкор бободан неваралар ҳеч қандай рўшнолик кўрмайдилар, деб ўйлашади. Хўш, бундай ҳолларда қандай йўл тутиш керак? Бундай бобо ёки буви билан муносабатларда невараларни чегаралаш мумкин, аммо болаларга уларни нуқсоню фазилатлари билан бирга, борлигича қабул қилишни ва уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўргатиш керак. Ўз-ўзига шундай дейиш керак: “Ҳа, она сифатида менга бу маъқул эмас, аммо онам (ёки қайнонам) ҳаёт тарихининг бир бўлаги, буни рад этиш – бу ўз-ўзини рад этиш дегани”. Болани қайнонаси ёки қайнотасидан яшириш ажралган аёлларга ҳам хос хусусият бўлиб

⁸ Альтруизм (лот. *Alter* — бошқа, бошқалар) — бу бошқаларнинг муваффақияти учун беғараз кўмаклашиш, ғамхўрлик қилиш билан боғлиқ тушунчадир. Баъзи ҳолларда худбинлик тушунчасининг акси, яъни антоними сифатида ҳам қўлланилади.

ҳисобланади. Бу метод билан улар ўз болаларида кийин вазиятларда бошини яширадиган туякуш комплексини пайдо қиладилар. Бундай зиддиятли вазиятдан чиқиш йўли ҳар хил бўлиши мумкин: чекиниш ва муроса қилиш, ҳамкорлик қилиш, жанжалдан қочиш.

3. **Бобо ва бувилар (тирик) ота-онанинг ўрнини эгаламоқчи бўлишади.** Қизининг эри, яъни неварасининг отаси билан ҳаёти яхши бўлмади; бирдан қизи учун яхши киши чиқиб қолди. Буви таклиф қилади: “Кел, яхшиси, болангни менга бер, сен эса ўз ҳаётингни қур, бола учун ҳавотир олма”. Шу орқали буви бола тарбиясидаги масъулиятни тўлиқ ўз зиммасига олади. Бу нотўғри ёндашув. Ҳар кимнинг ўз масъулияти борлигини унутмаслик керак.

Тарбия – бу синов, хато ва тузатиш методи, аммо энг аввало – бу билим, шунингдек, шу билимларни амалда қўллай олиш кўникмасидир. Махсус тарбиялаш эмас, балки болаларимизга ўсиб улғайиши ва ривожланиши учун шароит яратиб беришимиз керак. Агар кекса ва ёш авлод ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч, тушуниш ҳукмрон бўлса, юксак маънавиятли баркамол авлод тарбиясида жуда катта муваффақиятларга эришамиз.

Адабиётлар:

1. “2015 йил - Кексаларни эъзозлаш” йили давлат дастури.
2. "Геронтология" - рецензируемый научно-практический журнал. Москва, 2014, №4.
3. <https://ru.wiktionary.org/>
4. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Б.Ж.Умаров – БухДУ “Педагогика” кафедраси доценти.

Ф.Н.Ҳакимов БухДУ 3-курс талабаси

Мустақиллик шароитида баркамол инсонни тарбиялаш, айниқса, уларнинг маънавиятини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши қилиб белгиланди.

Талабалар маънавиятини шакллантириш жараёнини самарали ташкил қилишнинг зарур қисмларидан бири тарбия воситалари ҳисобланади. Барча воситалар тарбия самарасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмаса-да, аммо, тарбия методларининг таъсирини кучайтириб, уларнинг таъсирчанлигини оширади.

Талабалар маънавиятини шакллантириш воситаларига тарбиячи фойдаланадиган ўқув қўлланмалари, илмий-оммавий бадий адабиётлар, тарбия мақсадини амалга ошириш учун тарбиячи қўллайдиган турли предметлар - буюмлар, расмлар, кишиларнинг ибрат намунаси, тажрибаси, оммавий ахборот воситалари: радио, телевидение, видеоматериаллар, газета, журналлар киради. Шу билан бирга талабалар жамоаси, фаолият турлари (ўйин, меҳнат, ўқиш)да қўлланиладиган машқлар талабаларнинг табиий кучларини ривожлантириб, уларда билим, кўникма, малака ва одатларни, ахлоқий қарашларни шакллантиради.

Талабалар ҳаётида бирон-бир сўз, факт ёки ҳодиса ва муносабатлар йўқки, улар бевосита тарбиявий аҳамиятга молик бўлмаса. Буни параллел педагогик таъсир этиш қонуни деб айтиш мумкин. Бу қонунга мувофиқ тарбияланадиган талабалар фаолияти уларни тарбиялашнинг ягона воситаси бўлиб, уларнинг табиий кучларининг ривожланиши ва такомиллашувини таъминлаб, инсоний сифатлари – маънавий-ахлоқий ва жисмоний сифатларини тарбиялайди. Зеро, тарбия ирода, мардлик, мақсадга интилувчанликни жамоадаги махсус машқлар орқали тарбиялаши мумкин. Кўп йиллик педагогик тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «тарбиялайдиган» ва «тарбияламайдиган» воситалар йўқ. Талабалар ҳаётининг ҳар бир элементи, муносабати тарбиявий восита бўлиб ҳисобланади. Чунки улар ҳаракатга сабаб бўлади ва ўз навбатида машқ қилдиради ҳамда инсоннинг у ёки бу сифатини такомиллаштиради. Талабалар ҳар куни, ҳар дақиқада тарбияланадилар. Аммо, ҳар қандай ҳаракат талабаларда ижтимоий моҳиятли сифатларни тарбиялай олмайди. Уни тарбия мақсадларига мувофиқ ташкил қилиш ва йўналтириш лозим. Шунда у талабада қутилаётган сифатларни тарбиялаш воситаси бўлиши мумкин. Тарбиячи талабада шакллантирадиган воситаларни танлаши лозим. Талабани бир киши таъсири билан тарбияланиши кийин. У муносабатлар тизимида тарбияланади.

Шу жиҳатдан олганда бизнинг мустақил мамлакатимиз улкан ўзгартирувчи кучга эга. Биз ана шу ўзгартирувчи куч таркибида туриб ёшлар маънавиятини шакллантириш жараёнини

МУНДАРИЖА

1.	А.А.Тулаганов. Баркамол авлод тарбиясининг маънавий-ахлоқий негизлари	3
2.	Ш.Р.Баротов. Ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг ижтимоий-руҳий омиллари	4
3.	Б.Р.Адизов. Юксак маънавиятли авлод тарбияси – миллий юксалиш гарови	6
4.	Ш.Ш. Олимов. Маънавият тушунчаси, моҳияти ва функциялари	9
5.	Г.Н.Нажмиддинова, Н.А.Раҳимова. Маънавий баркамол ёшларни тарбиялашда бобо ва бувиларнинг ўрни	11
6.	Б.Ж.Умаров, Ф.Н.Ҳакимов. Талабалар маънавиятини шакллантиришнинг муҳим воситаси	14
7.	Б.Ж.Умаров, Б.Т.Жўраев, Н.Н.Насуллаева. Маънавий-маърифий мерос мазмунида устоз-шоғирд муносабатлари талқини	16
8.	Б.Х.Мадримов. Мусикий анъаналар ва маънавият	21
9.	Ш.Нафетдинов М.Ёдгорова. Устоз – мураббий Кўзиев Рамазон Кўзиевич етук олим тимсоли.	23
10.	А.Т.Гулбойев. Yoshlarni kasbga yo'naltirishda milliy istiqlol mafkurasiga asoslangan ma'naviy-axloqiy, ma'rifiy-tarbiyaviy tadbirlarning ahamiyati.	27
11.	Х.Нematova. Milliy ma'naviyatimiz yosh avlod tarbiyasining poydevoridir	28
12.	М.Во'риева, М.Ашurova D.Samadova. "Ma'naviyat- yurt taraqqiyot me'zonidir."	30
13.	О'У.Қурbonova, S. Qo'chqorov. Ta'lim tizimi va shaxsning shakllanishi.	33
14.	Ў.У.Қурbonova. Шарк мутафаккирлари оилада ота-онанинг фарзанд тарбиялашдаги бурчи ҳақида.	35
15.	Н.Ж.Бобомуродова. Шахс маънавиятини шакллантиришда инсон-табиат-жамият муносабатлари мазмуни	37
16.	А.Т.Алимов. И.Б.Савриева. Инсон камолотида миллий маънавий мероснинг аҳамияти	41
17.	З.М.Анварова, М.Саидқулова, И.Мирзоева. Таълим-таъбия жараёнида ёшлар маънавий дунёкарашини шакллантириш.	43
18.	S.Nafetdinov, L. G'aybullayeva. O'zbek ayolining yorqin timsoli	46
19.	F. V Jumaniyozov, N. S Matniyozova. Ta'lim tizimining samaradorligini eshirish yot g'oyalarga qarshi kurashning samarali usuli	50
20.	М.Б. Ибрагимов, А.М.Жумаева. Миллий ҳаракатли ўйинлар орқали 8-10 ёшли ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини аниқлаш	52
21.	Г. В. Избуллаева. Шахс камолотида қалб поклиги масаласи.	54
22.	Н.Б.Исматова, З.Х.Қўлдошева. Ўқувчиларда илмий дунёкарашни шакллантириш таълим-тарбия жараёнининг муаммоси сифатида	56
23.	SH. Nafetdinov, M. Yodgorova. Ma'naviyat negizi – insonning ruhiy poklanishi va qalban ulg'ayishidir.	58
24.	Н.Т.Ибрагимова, М.Б.Ибрагимов. Ўрта махсус таълим муассасаларида жисмоний тарбия фанини ўрганишда узвийликни таъминлаш	61
25.	М.Махмудова. Маънавий юксаклик – комиллик тимсоли	62
26.	М.О. Очилова. М.Тўйчиева, С.Мардонова. Қадим маънавиятимизни англаб етиш кийинчиликларни.	63
27.	М.О Ochilova, М.Н.Рахmatova. Ma'naviyat - yuksaklik timsoli.	66
28.	М.О.Очилова. Шариат ва ислом ахлоқи. минтақа маънавиятида Расулulloх ибрати.	68
29.	Г.Ж. Тошова, Г.Ж.Тошова. Ислом минтақа маданияти ривожда аждоларимиз яратган мероснинг ўрни.	71
30.	С. Самадова. Ёш авлод маънавиятини шакллантиришда таълим –тарбиянинг ўрни	74
31.	Тошова Г.Ж., Юлдашева М.Р. Алишер Навоий ижодида янги давр маънавиятига пойдевор қўйилиши. янги даврнинг маънавий моҳияти	77
32.	Ҳамроева Г.И., Махмудова М. Шахс маънавияти шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари	80
33.	Л.С.Элибаева. Алишер Навоий ижодида юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар талқини	83
34.	Л.С.Элибаева/ Кўҳна пандномаларда маънавий баркамоллик инъикоси	86
35.	Ў.Иўлдошева М. Оиладаги маънавий-ахлоқий тарбия жараёнининг моҳияти.	89
36.	Ахrorov I., Ахrorova M., Temirova M. Qadimgi donishmand alomalarning koinot tuzilishi	91